

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САИДМУРОДОВ КАМОЛ БОТИРОВИЧ

**ЯХШИ СИФАТЛИ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ХОЛАНГИТНИ КОМПЛЕКС
ХИРУРГИК ДАВОЛАШДА ТАКТИК-ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)

Саидмуродов Камол Ботирович

Яхши сифатли ўткир йирингли холангитни комплекс хирургик даволашда
тактик-техник жиҳатларини мақбуллаштириш3

Саидмуродов Камол Ботирович

Оптимизация тактико-технических аспектов комплексного хирургического
лечения острого гнойного холангита доброкачественного генеза23

Saidmurodov Kamol Botirovich

Optimization of tactical and technical aspects of complex surgical treatment of
acute purulent cholangitis of benign genesis41

Нашр этилган илмий ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САИДМУРОДОВ КАМОЛ БОТИРОВИЧ

ЯХШИ СИФАТЛИ ЎТКИР ЙИРИНГЛИ ХОЛАНГИТНИ КОМПЛЕКС
ХИРУРГИК ДАВОЛАШДА ТАКТИК-ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.27 – Хирургия

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Tib.1106 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Зафаржон Қурбаниязов тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар	Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори (DSc) Махмадов Фарух Исроилович тиббиёт фанлари доктори (Тожикистон Республикаси)
Етакчи ташкилот	Академик В.Вахидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» сентябр кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 041 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «5» сентябр кuni тарқатилди.
(2022 йил «5» сентябр даги 3 рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

А.Ш. Иноят

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.А. Нуралiev

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, "...ўт йўллари яллиғланиш касалликлари натижасида 46% ҳолатларда йирингли асоратларнинг ривожланиши, бу йўналишдаги тадқиқотларнинг етарли олиб борилишига қарамадан ҳозирги кунга қадар жуда долзарб муаммолигича қолмоқда..."¹ Ўт йўлларидаги яллиғланиш жараёни нафақат маҳаллий йирингли-деструктив жараён билан, балки тизимли ўзгаришлар натижасида тезда оғир эндоген захарланиш ривожланиши ва аъзолар фаолиятининг сезиларли даражада бузилиши билан характерланади. Бундай ҳолат кўпинча холангит деб баҳоланиб, у морфологик ва клиник белгиларининг турли оғирлик даражаларида ривожланиши билан намоён бўлади. Йирингли холангитнинг ривожланишида ўт-тош касаллиги натижасида ўт йўллари ички босимини ошиши, сафронинг инфекцияланиши ва яллиғланиш юзага келиши ҳисобига ўт йўллари ўтказувчанлигининг бузилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. "Клиник жихатдан механик сариқлик белгилар 87% беморларда дарҳол юзага чиқади ва кейинчалик эндотоксикоз ривожланиб билиар сепсис ва полиорган етишмовчилиги босқичига ўтишига олиб келади"².

Дунё бўйича йирингли холангит билан касалланган беморларни даволашнинг асосий йўналиши бу имкон даражада ўт йўллари эрта декомпрессия қилиш, антибактериал терапияни сафронинг микрофлорасини уларга сезгирлигини аниқлаш орқали қўллаш ва дезинтоксикацион терапияни ўтказишдан иборат. Йирингли холангит билан касалланган беморларни жарроҳлик усули билан даволашнинг биринчи босқичда ўт йўллари декомпрессияси каминвазив усуллар: эндоскопик папиллосфинктеротомия орқали назобилиар дренажни ўрнатиш ёки тери орқали жигар орқали дренажлаш билан амалга оширилади. Иккинчи босқичда беморларга лапароскопик холецистэктомия ёки кичик кесма орқали холедохни ташқи дренажлаш билан холецистэктомия амалга оширилади. Шу билан бирга 36,0-55,5%гача ҳолатларда беморларда деструктив холециститни ўнг қовурға ёйи ости соҳадаги инфилтрат билан асоратланиши ёки маҳаллий перитонит, холецистодуоденал оқмалар сабабли бир вақтнинг ўзида очик жарроҳлик амалиётини амалга ошириш талаб этилади. Аммо жарроҳларни мазкур касалликни даволаш натижалари ҳар доим ҳам қониқтирмайди, септик асоратлар 20,0% беморларда, ўлим ҳолатлари 6,25-30,0% беморларда кузатилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий химоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан ўт йўллари касалликларидан азият чекаётган

¹ Younossi ZM, Stepanova M, Golabi P, Epstein RS, Strauss ME, Nader F, Racila A. Factors Associated With Potential Progressive Course of Primary Biliary Cholangitis: Data From Real-world US Database // J Clin Gastroenterol. – 2019 – N53 (9) – P. 693-698.

² Назиров Ф.Г., Акилов Х.А., Акбаров М.М. Тактика лечения больных с механической желтухой, осложненной холангитом и печеночной недостаточностью // Анналы хирургической гепатологии. – 2019. №2. – С. 117-118.

беморларда жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари такомиллаштириш орқали ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга бу беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун жарроҳлик амалиётининг операциядан олдинги ва кейинги асоратларини бартараф этиш самарадорлигини тасдиқлаб берувчи илмий-асосланган натижалар талаб этилади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларига уларнинг сифатли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан ўт йўллари касалликлари билан оғриган беморларда диагностика ва жарроҳлик тактикасини мақбуллаштириш, жарроҳлик усуллари такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашга эришиш долзарб йўналишлардан ҳисобланади”³.

Мазкур илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли ва 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-таadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4891-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Йирингли холангит – ўт йўллари касалликларининг энг оғир ва ҳаёт учун хавф солувчи асоратларидан бири бўлиб, сафро оқшининг турғун бузилиши оқибатида келиб чиқадиган ўт йўллариининг ўткир ялиғланиши ҳисобланади. Сафро оқимининг бузилишига асосий сабаб бу ўт-тош касаллиги ҳисобланади. Ер юзида яшайдиган аҳолининг ҳар ўнинчиси ўт-тош касаллигидан азият чекади, холедохолитиаз унинг асорати сифатида 20-30% ҳолатларда учрайди (Назиров Ф.Г. ва ҳаммуал., 2017; Hungness E., 2016).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4947-сонли Қарори.

Ўрганишлар натижаларига кўра ўт йўллари ўтказувчанлиги бузилган беморларнинг 11 - 60 % йирингли холангит билан касалланадилар. Ҳозирги кунга қадар сафро оқими бузилишига олиб келадиган 30дан ортиқ сабаблар аниқланган. Аммо йирингли холангитнинг асосий сабаби холедохолитиаз бўлиб, ўз навбатида у ўт -тош касаллигининг асоратлари орасида етакчи ўринни эгаллайди (Хаджибаев А.М. ва ҳаммуал., 2018; Costi R. et al., 2014).

Йирингли холангит илгари механик сариклик билан хамрох кечади деб қаралган бўлса, ҳозирги кунга келиб алоҳида ўзига хос кечувчи муаммо сифатида тан олинган. Бу унинг холангиоген сепсиснинг ривожланишида муҳим ўрин тутиши (Каримов Ш.И. ва ҳаммуал., 2018; Matilla A. et al., 2017) ва унинг оқибатида ўлим кўрсаткичининг юқори бўлиши (15-60%) билан боғлиқдир.

Ўт-тош касаллигининг асоратлари билан беморлар сонининг кўпайиши, холелитиазнинг атипик шакллари кўп учраётганлиги, кекса ва ёши катта беморларда жарроҳлик амалиёти фаоллигининг ортиб бориши, ўт йўллари юқори типдаги ятроген шикастланишлари, ўт ажратиш тизими бутунлигини бузилишига олиб келадиган жарроҳлик усулларнинг ва тўғридан-тўғри контрастлаш амалиётларининг тери орқали жигар орқали холангиостомия, эндоскопик ретроград панкреатохолангиография кенг жорий этилиши, йирингли холангитнинг генерализацияга мойиллиги мазкур муаммонинг долзарблигини янада ортишига олиб келган.

Ўткир йирингли холангитни ривожланишида асосий патогенетик ўринни ўт йўллари ички босимнинг тезда ортиши ҳисобига сафро ўтувчанлигининг бузилиши ва микроорганизмларнинг кўпайиши учун қулай шароит юзага келиши эгаллайди (Каримов Ш.И. 2018). Ўт йўлларида юзага келган қулай шароит сафрода ва ўт йўллари деворида аэроб ва\ёки анаэроб микроорганизмларнинг етарли даражада кўпайишига, бунинг оқибатида холангиовеноз ва холангиолимфатик рефлюкс ривожланишига ҳамда тизимли бактериемия ва кучли захарланишни юзага келишига олиб келган (Hanaou L. et al., 2020). Касалликнинг патогенези, ривожланиш босқичлари ва клиник белгилари учта синдромлар билан намоён бўлади: холестааз, эндотоксикоз ва полиорган етишмовчилиги.

Мазкур муаммо билан шуғулланадиган етакчи клиникалар шуни таъкидлашадики, ўт йўллари инфекцияланишида асосида мойиллик бўлган иккита анатомо-физиологик шароитлар: сафронинг димланиши ва микроблар хужумининг ривожланиши муҳим ўрин тутди. Димланган сафро қуюқлашиб сладжга айланади ва ичак орқали юқorigа кўратилувчи инфекция тушиши оқибатида осон инфицирланади. Ўт йўллари обструкциясининг асосий сабаларидан бу холедохолитиаз ҳисобланади. Баъзида обструкцияга ўт йўллариининг хавфсиз сифатли торайишлари ҳам олиб келиши мумкин (Корольков А.Ю. 2009; Gomi H. et al., 2018). Бундан ташқари ичак суяқлигининг ўт йўлларига ташланиши натижасида рефлюкс холангитлар ривожланади. Аммо ўт йўллариининг ўтказувчанлиги бузилмаган бўлса патологик рефлюкс муҳим хавфни юзага келтирмайди. Папиллосфинктеротомиядан кейин ва билиар стентларни ўрнатгандан

кейинги даврда аксарият беморларда холедохга ҳаво ва дуоденал суюқликнинг эркин рефлюкси натижасида сафрода бактериялар колонизацияси юзага келади ва бу одатда холангитни ривожланишига олиб келмайди. Мазкур ҳолат ўт йўлларида ўтказиладиган реконструктив жарроҳлик амалиётларининг асорати сифатида юзага келиши мумкин. Бунга яққол мисол сифатида “кўр халта” синдромини келтириш мумкин (Хаджибаев Ф.А. ва ҳаммуал., 2018).

Ҳозирги вақтда ноинвазив нузли диагностика усулларининг ривожланиб бориши натижасида мутахассислар ўт йўллари эндоскопик диагностика ва декомпрессия қилиш усулларини қўллашни иккинчи ўринга қўйишмоқда, чунки уларнинг қўлланилиши ўткир панкреатит ва қон кетиш каби асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунга келиб асосий эътибор магнитрезонанс холангиографияга қаратилаёти ва унинг натижаларига кўра касалликнинг кейинги диагностика ва даволаш тактикаси белгиланган (Anand G., 2016; Cao J. et al., 2018).

Касалликнинг оғирлик даражаси ва оқибатларини объектив баҳолаш гетероген клиник белгилар билан намоён бўладиган билиар сепсиснинг самарали янги даволаш усулларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Жарроҳлик хавфини аниқ баҳолаш эса жарроҳликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликда каминвазив жарроҳлик амалиётларининг такомиллашиб бориши ва босқичли жарроҳлик тактикасини қўлланилиши оқибатида йирингли холангитда ўлим ҳолатларининг сезиларли даражада камайишига эришилмоқда. Бу кўрсаткичлар аксарият клиницистлар томонидан ҳам тан олинганлиги таъкидлаб ўтилган (Шулутко А.М., 2018; Issa H. et al., 2018; Wang D., 2017). Корольков А.Ю. ва ҳаммуал. (2018) операциядан кейинги даврда ўт йўллари антисептик эритмалар билан ювишни, бир вақтнинг ўзида беморларга антибиотикларни метронидазол билан биргаликда қўллаш ва дезинтоксикацион даволашни тавсия этишган.

Яхши сифатли йирингли холангитни даволаш натижаларининг қониқарсизлиги, ушбу касалликни комплекс жарроҳлик усулида даволашнинг тактик ва техник жihatларини мақбуллаштиришни тақозо этади. Каминвазив жарроҳлик амалиёти билан биргаликда дренаж орқали интрабилиар муолажаларни қўллаш билан ўт йўлларида бактериялар тарқалишини бартараф этиш, жигарда холангиоген абсцесслар ва септик ҳолатлар юзага келишини олдини олиш, эндотоксемиянинг даражасини камайиши каби самарали натижаларга эришиш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг №012000260 “Яхши сифатли ўткир йирингли холангитни диагностикаси ва жарроҳлик усулида даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2016-2021 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади Ўт-тош касаллиги оқибатида ривожланган яхши сифатли ўткир йирингли холангитни жарроҳлик усулида комплекс даволашнинг тактик-техник жihatларини мақбуллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўт-тош касаллигини асорати сифатида юзага келган яхши сифатли ўткир йирингли холангитнинг қониқарсиз натижалари бўйича омилли таҳлил ўтказиш;

Ўткир йирингли холангитни жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик жихатларини каминвазив декомпрессив аралашувларни қўллаш орқали мақбуллаштириш;

текшириш гуруҳларидаги беморларнинг даволаш натижаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали ўткир йирингли холангитни бартараф этиш ва жигар холангиоген абсцессини даволаш учун ўт йўллари дренаж орқали санация қилишнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

Ўт-тош касаллигини асорати сифатида юзага келган ўткир йирингли холангитни тавсия этилган комплекс жарроҳлик даволаш усулининг клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникасида 2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ўт -тош касаллигининг асорати сифатида ривожланган ўткир йирингли холангит билан даволаш ўтказилган 144 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. ўт-тош касаллигининг асорати сифатида ривожланган ўткир йирингли холангит билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларининг таҳлили.

Текшириш усуллари. Тадқиқот учун қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун қуйидаги текширишлар қўлланилди: умумклиник, микробиологик, нурли, эндоскопик ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

катта клиник материалда ўткир йирингли холангитни жарроҳлик усулида даволашнинг қониқарсиз натижалари, ўлим холатлари ва йирингли-септик асоратларнинг сабаблари аниқланган;

Ўткир йирингли холангитнинг оғирлик даражаларини инобатга олган холда каминвазив декомпрессив аралашувларни қўллаш билан босқичма-босқич даволашнинг оптимал тактикасини танлаш омиллари аниқланган;

Ўт йўллари натрий гипохлоритнинг 0,06% анолитли ва католитли эритмаларини навбат билан дренаж орқали юбориш билан перфузион санация қилиш усули ишлаб чиқилган;

Ўт-тош касаллигининг асорати сифатида ривожланган ўткир йирингли холангитни тавсия этилган комплекс жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўткир йирингли холангитнинг оғирлик даражаларини инобатга олган холда босқичма-босқич даволашда каминвазив диапевтик ва трансдуоденал эндоскопик аралашувларни қўллаш билан холестаз ва йирингли захарланишлар бартараф этилганидан сўнг радикал операцияларни бажариш учун кўрсатмалар аниқланди;

обструктив холангит ёки обструктив холецистит клиникаси ривожланиши устунлигига қараб ўт йўлини каминвазив декомпрессия усулини танлаш ва навбат билан қўллашга кўрсатмалар ишлаб чиқилди;

ишлаб чиқилган ўт йўллари перфузион санациясини жигар ичи холангиоген абсцесслари бўшлиғини ювиш билан амалга ошириш ўткир йирингли холангитнинг даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди;

ўткир йирингли холангитни комплекс жарроҳлик усулида даволашни тактик ва техник жихатларини ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали асоратлар ва ўлим ҳолатларининг кескин пасайишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Текшириш усуллариининг ҳаққонийлиги замонавий клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари билан тасдиқланган. Барча олинган натижа ва хулосалар даллилар тиббиёти қонунларига асосланган. Статистик таҳлил олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаб берган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамият касб этиб, ўт-тош касаллигининг асорати сифатида ривожланган ўткир йирингли холангитни жарроҳлик йўли билан даволашнинг ўзига хос томонларини ўрганишда катта ҳисса қўшганлиги билан изоҳланган. Ўтказилган омилли таҳлиллар орқали ўткир йирингли холангитни жарроҳлик усулида даволашнинг қониқарсиз натижаларининг асосий сабаблари холангиоген абсцесслар ва билиар сепсис ривожланиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Ўткир йирингли холангитнинг оғирлик даражаларини инобатга олган ҳолда 2 босқичли даволашни ўтказиш шартлиги асослаб берилган. Асосий гуруҳдаги беморларда каминвазив декомпрессив диапевтик ва трансдуоденал эндоскопик аралашувларни қўлланилиши даволашнинг сезиларли даражада ижобий натижаларини кўрсатган. Ўт йўллари натрий гипохлоритнинг фаоллаштирилган эритмаси билан перфузион санация қилиш жигар холангиоген абсцессларини даволашда ва билиар сепсис ривожланишининг олидини олишда ижобий натижаларни берганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўткир йирингли холангитнинг оғирлик даражаси ва юзага чиққан клиник белгиларини инобата олиб жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жихатлари ишлаб чиқилган. Клиник амалиётга каминвазив трансдуоденал эндоскопик аралашувлар ва диапевтик усуллари татбиқ этилиши даволаш натижаларининг сезиларли яхшиланишига олиб келган. Ўт йўллари натрий гипохлоритнинг 0,06% анолитли ва католитли эритмаларини навбат билан дренаж орқали перфузион санация қилиш усули ишлаб чиқилган ҳамда жарроҳлик амалиётига тадбиқ этилган. Бунинг оқибатида ўлим ва йирингли-септик асоратлар кўрсаткичининг сезиларли пасайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яхши сифатли йирингли холангитни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

Ўткир йирингли холангитнинг диагностикаси ва жаррохлик йўли билан даволаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўткир йирингли холангитнинг диагностикаси ва жаррохлик йўли билан комплекс даволаш усуллари» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 июндаги 8 н-р/592-сон маълумотномаси) номли услубий тавсиянома тасдиқланган. Мазкур тавсиянома яхши сифатли йирингли холангитни жаррохлик йўли билан даволашнинг сифатини яхшилашга ва беморларнинг шифохонада даволаниш кунларининг камайиш имконини берган;

Ўткир йирингли холангитнинг диагностикаси бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўткир йирингли холангитнинг диагностикаси ва жаррохлик йўли билан даволаш» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 8н-р/563-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома яхши сифатли йирингли холангитни жаррохлик йўли билан даволаш беморларнинг шифохонада даволаниш кунларининг камайишига олиб келган

яхши сифатли йирингли холангитнинг диагностикаси ва жаррохлик усулида даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий янгиликлар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах вилояти ва Самарқанд вилояти филиаллари, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмасининг хирургия бўлимларига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги 8н-з/237-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида яхши сифатли йирингли холангит билан касалланган беморларга ихтисослашган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш кўлами сезиларли даражада ошди ва жаррохлик амалиётидан кейинги эрта асоратларнинг 24,5% дан 12,1% гача, ўлим кўрсаткичининг 8,2% дан 2,4% гача камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги ва талабгорлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот

натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўткир йирингли холангитда жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий жиҳатлари”** деб номланиб, яхши сифатли ўткир йирингли холангит, хусусан билиар сепсис муаммоларининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, таснифи, замонавий текшириш ва даволаш усулларини очиб берувчи адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Клиник кузатувлар ва ташхислаш усулларининг хусусиятлари”** СамДТИ 1-клиникаси жарроҳлик бўлимида 2000 – 2021 йиллар давомида ўт-тош касаллигининг асорати сифатида юзага келган ўткир йирингли холангит билан даволанган 144 нафар беморларнинг даволаш натижалари кўрсатилган. Беморларнинг 91 нафари аёл (63,2%) ва 53 нафарини эркаклар (36,8%) ташкил этган, уларнинг ёши 33 дан 81 ёшгача бўлган. Ўртача ёш $53,2 \pm 6,2$ ёшни ташкил этган.


112 нафар (78%) беморларда ўт чиқариш тизими касалликларининг давомийлиги 5 йилдан кўп бўлган. 73,6%, яъни беморларнинг 3/4 қисми касаллик бошланишидан сўнг 3 суткадан ортиқ бўлган вақтдан кейин касалхонага ётқизилган. 3 суткагача давомийликдаги холангит 38 нафар (26,4%) беморларда, 3 суткадан 7 суткагача 78 нафар (54,2%) беморларда ва 7 суткадан кўпроқ давомийлик 38 нафар (26,4%) кузатувларда аниқланган.

Ўткир холангит хуружининг дастлабки кунларида беморларда ўнг қовурға ёйи ости ҳамда эпигастрал соҳадаги оғриқга шикоят қилишди (89,9%), шу билан бирга хуруждан кейин 4 кун, ёки ундан ортиқ вақт ўтишидан сўнг эса оғриқдан шикоят қилувчи беморлар сони анча камайган (67,3%), аммо холангитнинг йирингли – яллиғланишли асоратлари билан беморлар сонининг ортиши кузатилган (83,6%).


Ўткир йирингли холангит ўт-тош касаллигининг асорати сифатида холедохолитиаз ва сурункали тошли холецистит сабабли 82 нафар (56,9%) беморларда, ўткир тошли холецистит ва холедохолитиаз сабабли эса 62 нафар (43,1%) беморларда юза келган бўлиб, бунда ўткир деструктив холецистит 29 нафар беморларда перитонитнинг хар-хил турлари (7 ҳолатда тарқалган, 22 та маҳаллий) билан асоратланган.

97 нафар (67,4%) беморларда ҳамроҳ касалликлар аниқланиб, уларнинг 54 нафарида (32,7%) икки ва ундан ортиқ патологиялар тасдиқланган.

Ўткир йирингли холангитни ташхислаш клиник кўриниши (Шарко триадаси, Рейнолдс пентадаси), лаборатор ва инструментал текшириш усуллари (сонография, РПХГ, МРТ – холангиография) асосида бажарилди. Якуний ташхис ўт йўллари деворидаги ва сафро суюқлигининг ўзига хос ўзгаришларига қараб ҳамда сафро микрофлорасини аниқлаш орқали қўйилган.



А.



Б.

1 – расм. Сонограмма (А) ва МР- холангиограмма (Б). Ўтқир йирингли холангитда холедохолитиаз, жигар ичи, жигардан ташқари ўт йўллари­нинг кенгайиши

Диссертациянинг учинчи бобида “Яхши сифатли ўтқир йирингли холангитни комплекс хирургик даволашнинг тактик – техник жиҳатларини мақбуллаштириш” беморлар тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос ҳолда 2 қиёсий гуруҳга бўлинган. Таққослаш гуруҳини 2000 – 2009 й. давомида ўт-тош касаллигининг асорати сифатида юзага келган ўтқир йирингли холангит сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказилган 61 нафар (42,4%) беморлар ташкил этди. Тадқиқотнинг асосий гуруҳини эса 2010 – 2021 йй. давомида, клиникада ишлаб чиқилган жарроҳлик усулида даволаш ўтказилган 83 нафар (57,6%) беморлар ташкил этди. Тадқиқотдаги иккала гуруҳлардаги беморлар ҳам ёши, ҳам клиник белгиларнинг ривожланганлиги ҳамда оғирлик даражаси бўйича ўхшаш бўлган.

Омиллар таҳлили шуни кўрсатадики, 2000–2009 йй. давомида ўтқир йирингли холангит билан беморларнинг жарроҳлик даволаш натижаларини қониқарсиз бўлишининг асосий сабаблари жигар холангиоген абсцесслари ва билиар сепсис ривожланиши бўлган. Ўлим 8,2% ни ташкил этди (5 нафар бемор ўлди). Операциядан кейинги даврда турли хилдаги йирингли - септик асоратлар 15 нафар (24,6%) беморларда кузатилган. Барча 61 нафар амалиёт ўтказилган беморларда жарроҳлик аралашувлари холецистэктомия, холедохолитотомия, холедохни ташқи дренажлаш хажмида бўлиб, кенг лапаротом кесим орқали ўтказилган амалиётлар 48 нафар (79%) беморларда, кичик кесим орқали эса 13 нафар (21%) беморларда бажарилган.


Бунда, холецистэктомия ва холедохолитотомия шошили­нч кўрсатмалар бўйича (шифо­хонага ётқизилгандан сўнг 2 – 3 соат ичида) 29 нафар (47,5%) беморларда ўтқир деструктив холецистит сабабли, уларнинг 12 нафарида ўтқир деструктив холециститнинг перитонит билан асоратланганида ўтказилган. Шунингдек, 6 нафар беморда шошили­нч кўрсатмалар бўйича амалиётлар магистрал ўт йўллари ўтқир обструкцияси клиникаси мавжуд бўлганда бажарилган.

Кечиктирилган шошинч кўрсатмалар (шифохонага ётқизилгандан кейинги 2-3 сутка ичида) билан жарроҳлик амалиётлари деструктив холецистит клиник белгилари бўлмаган ва умумий ўт йўли обструкцияси клиник белгилари ривожланиши устунлик қилган 32 нафар (56%) беморларда ўтказилган.

Бунда, энг кўп ўлим ҳолатлари ва йирингли -септик асоратлар (12,1% ва 33,3%) шошинч амалиётлардан кейин, ўткир йирингли холангит ўткир деструктив холецистит ва перитонит (мос равишда 14,8% ва 44,4%) билан биргаликда кечганида кузатилган.

Асосий гуруҳдаги 2010-2021 йилларда ўт-тош касаллигининг асорати натижасида ривожланган ўткир йирингли холангит сабабли амалиёт ўтказилган 83 нафар беморларни даволаш Токио (2006) келишув конференциясида таклиф қилинган “Ўткир йирингли холангитнинг оғирлик даражалари таснифи” бўйича кўрсатилган мезонларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Ушбу мезонлардан келиб чиққан ҳолда ўткир йирингли холангитнинг енгил даражаси 54 (65%), ўрта оғир даражаси 18 (21,6%) ва оғир даражаси 11 (13,2%) нафар беморларда қайд этилган.

Ўткир йирингли холангит бўлган беморларда касалликнинг оғирлик даражасини белгиловчи мезонларни, шунингдек, ўткир деструктив холецистит ва перитонитнинг бор ёки йўқлигини ҳисобга олган ҳолда кам инвазив ва очик усулдаги жарроҳлик аралашувлари бажарилган (2 – расм).



2-расм. Такқослаш гуруҳида операция муддати ва холангит клиникасига кўра операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичи

Асосий гуруҳдаги ўткир йирингли холангитнинг ўрта оғир даражаси (n=18) ва оғир даражаси (n=11) бўлган беморларнинг 20 нафаридан биринчи босқичда каминвазив декомпрессив аралашувлар ўтказилди (1– жадвал).

Асосий гуруҳда ўткир йирингли холангитнинг ўрта оғир ва оғир даражаси аниқланган беморларда ўтказилган жарроҳлик аралашувлари (n=29)

Ташхис	Амалиёт тури		Беморлар сони	
Ўткир йирингли холангит ва ўткир деструктив холецистит	ТЖМХС, ЭПСТ ва НБД →	ЛХЭ	2	9
	ТЖМХС, ЭПСТ ва НБД →	МЛХЭ	3	
	ТЖМХС →	МЛХЭ, холедохолитотомия	4	
Ўткир йирингли холангит, ўткир деструктив холецистит ва маҳаллий перитонит	Лапаротомия, ХЭ, холедохолитотомия. Қорин бўшлиғи санацияси		4	
Ўткир йирингли холангит, сурункали тошли холецистит	ЭПСТ ва НБД →	ЛХЭ	11	16
	МЛХЭ, холедохолитотомия		5	

Бунда, ўткир деструктив холецистит бўлган 9 нафар беморларда ўт пуфагини декомпрессия қилиш мақсадида ультратовуш назорати остида тери орқали жигар орқали микрохолецистостомия (ТЖМХС) бажарилган. Кейинчалик уларнинг 5 нафарида эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭПСТ) ва назобилиар дренажлаш (НБД) ўтказилди. Қолган 4 нафар беморларда ТЖМХС ўткир йирингли холангитнинг клиникасини бартараф қилиш имконини берган. Ўткир холецистит клиник белгилари бўлмаган, ўткир йирингли холангит симптомлари юзага чиққан 11 нафар беморларда биринчи босқичда эндоскопик трансдуоденал аралашувлар – ЭПСТ билан литоэкстракция ва холедохни НБД бажарилган. Иккинчи босқичда ушбу 20 нафар беморларга холецистэктомия – ЛХЭ – 13 нафарига, МЛХЭ – 7 нафарига бажарилди, бунда 4 та МЛХЭ холедохолитотомия билан бирга амалга оширилган.

Перитонит клиникаси бўлган 4 нафар беморда шошилиш кўрсатмалар бўйича лапаротомия, ХЭ, холедохолитотомия ва қорин бўшлиғи санацияси ўтказилган. ЭПСТ бажаришга муваффақиятсиз уринишлар сабабли ўткир йирингли холангит клиник белгилари кучайиб борган яна 5 нафар беморга кичик кесим орқали ХЭ холедохолитотомия билан биргаликда бажарилган.

Шундай қилиб, икки босқичли жарроҳлик даволаш ўткир йирингли холангитнинг ўрта оғир даражаси билан 11 нафар (61,1%) ва оғир даражаси билан 9 нафар (81,8%) беморларда ўтказилган.

Ўткир йирингли холангитнинг енгил даражасида икки босқичли жарроҳлик даволаш 13 (24,1) нафар беморда, бир босқичли радикал жарроҳлик операцияси 41 беморда ўтказилган (2 – жадвал).

**Асосий гуруҳда ўткир йирингли холангит енгил даражаси
аниқланган беморларда бажарилган жарроҳлик аралашувлари (n=54)**

Ташхис	Амалиёт тури		Беморлар сони	
Ўткир йирингли холангит ва ўткир деструктив холецистит	ТЖМХС, ЭПСТ ва НБД →	ЛХЭ	6	9
	ТЖМХС, ЭПСТ ва НБД →	МЛХЭ	1	
	ТЖМХС →	МЛХЭ, холедохолитотомия	2	
Ўткир йирингли холангит, ўткир деструктив холецистит ва маҳаллий перитонит	Лапаротомия, ХЭ, холедохолитотомия ва қорин бўшлиғи санацияси		13	
Ўткир йирингли холангит, сурункали тошли холецистит	ЭПСТ ва НБД →	ЛХЭ	3	32
	ЭПСТ ва НБД →	МЛХЭ	1	
	МЛХЭ, холедохолитотомия		28	

Ўткир йирингли холангит билан беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда тери орқали жигар орқали микрохолецистостомия ҳаммаси бўлиб, асосий гуруҳдаги 18 (21,7%) беморда қўлланилган. Ўт пуфагини дренажлашда игна йўлининг герметиклигини таъминлаш ҳамда ўт суюқлигини қорин бўшлиғига оқишини олдини олиш мақсадида УТ назорати остида жигар паренхимаси орқали бажарилган.

Барча ҳолатларда дренажлаш 4F ва 9F даметрли “зондли” охирида “саватча”си бўлган стилет – катетер ёрдамида бажарилган (3 – расм).



3 - расм. Ультратовушли сканер назорати остида тери орқали жигар орқали микрохолецистостомия бажарилиши

Микрохолецистостомия ўтказилгандан кейин, ўт пуфагидаги суюқлик тўлиқ чиқариб олиниб, бўшлиғи ажралма тозалангунча физиологик эритма билан ювилди ва дренаж узайтирилган. Дренаж най орқали чиқаётган ажралма кўз билан кўриб баҳоланган ва бактериологик текширишга юборилган. Ўт пуфагининг тўлиқ бўшаганлиги эхографик усулда назорат қилинган.

Асосий гуруҳда ўткир йирингли холангит билан беморларда ЭПСТ 27 ҳолатда бажарилган. Бунда, ўткир деструктив холецистит клиникаси бўлмаган ўткир йирингли холангит билан беморларнинг 15 нафарида биринчи босқичда ЭСТ ва НБД ўтказилган (4 – расм). Ўткир деструктив холецистит клиник белгилари устунлик қилган 12 нафар беморларда ушбу амалиёт ТЖМХСдан кейин амалга оширилган. Шу билан бирга, қайд этиш керакки, ўткир йирингли холангит билан 9 нафар беморда ЭПСТ бажариш ва НБД қўйишга уриниш муваффақиятсиз кечди, бир ҳолатда беморда ўткир панкреатит ривожланиб, унинг оқибатида ўлим ҳолати кузатилган.



4 - расм. Эндоскопик папилосфинктеротомия бажарилиши ва назобилиар дренаж ўрнатилиши

Шундай қилиб, 2 босқичли жарроҳлик даволаш асосий гуруҳдаги 33 нафар беморларда ўтказилди, бу эса 39,7% ни ташкил этган. Ушбу беморларда ўт йўллари аввал декомпрессия қилингандан кейин, иккинчи босқичда 7-12 суткаларда ХЭ бажарилди, бунда 22 – ЛХЭ, 11 – МЛХЭ ва 6 нафарида МЛХЭ холедохолитотомия билан амалга оширилган.


Клиник тадқиқотларнинг натижалари бўйича “Яхши сифатли йирингли холангит билан беморларни даволаш тактикасини танлаш учун дастур” ишлаб чиқилган (DGU10741 Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан 08.04.2021 йилда берилган гувоҳнома).

Асосий гуруҳдаги 50 (60,3%) нафар беморларда ўткир йирингли холангитни ўткир деструктив холецистит ва перитонит билан бирга кечганида, радикал операция -ХЭ ва холедохолитотомия кенг лапоратом кесма билан 17 нафарда, минилапоратом кесма билан 33 нафарида бажарилган.

ЛХЭ “Karl Storz” фирмасининг асбобларини қўллаган ҳолда, кичик кесим орқали ХЭ эса “SAN” фирмасининг асбоблари ёрдамида ўтказилди (5– расм). Шундай қилиб, ЛХЭ 22 (26,5%) нафар, кичик кесим орқали ХЭ 44 (53%) нафар, кенг лапоратом кесим орқали эса 17 (20,5%) беморларда ўтказилган.



А.




Б.


5 – расм. “Миниассистент” асбобларини қўллаган ҳолда кичик кесим орқали (А), ҳамда лапароскопик усулда (Б) холецистэктомия жарроҳлик амалиётининг бажарилиши

Асосий гуруҳдаги беморларда барча жарроҳлик аралашувлари холедохни дренажлаш билан яқунланган, шундан 56 (67,5%) ҳолатда ташқи дренажлаш билан, 27 (32,5%) ҳолатда эса эндоскопик трансдуоденал аралашув вақтида НБД ўрнатиш билан амалга оширилган.

Ушбу беморларга ўт йўлларидаги яллиғланиш белгиларини бартараф қилиш, ҳамда жигар микроабсцесслари ва абсцесслари юзага келишини олдини олиш мақсадида, биз томондан ишлаб чиқилган, гипохлорит натрийнинг 0,06%ли эритмаси ёрдамида ўт йўллари санацион перфузияси ўтказилди. Ўт йўллари санацияси 56 нафар беморга холедохолитотомиядан кейин гепатикохоледохга (ГХ) қўйилган дренаж орқали, 27 нафар беморга эса НБД орқали бажарилган (6 – расм).



А.



Б.



С.

6 – расм. Гепатикохоледохга қўйилган дренаж най орқали (А) ва назобилиар дренаж орқали (Б) ўт йўлини санацион перфузиясининг чизмаси ва беморда ўтказилиши (С)

Холедохолитотомиядан сўнг ўт йўллари бўшлиғига 2 бўшлиқли (каналли) найча ўрнатилди, улардан бири ГХ проксималь қисмига (ингичка бўшлиғининг диаметри 2 мм), иккинчиси (кенгроқ бўшлиғи 5 ммгача) ГХ дистал қисмига йўналтирилган.

Ўт йўлларининг санацион перфузияси дастлаб рН=6 бўлган 400,0 мл натрий гипохлоритнинг 0,06% анолит эритмаси билан ўт микрофлораси меъёрлашгунича ўтказилди. Натрий гипохлоритнинг 0,06% анолитли эритмаси кучли оксидловчи бўлиб, ўт йўлларидаги сафро суюқлиги билан боғланиб, уни суюлтириб дренаж орқали ажралиш миқдорини оширган.

Натрий гипохлорит эритмаси ЭДО-4 аппаратида тайёрланган. Анолитли ва католитли эритмани тайёрлаш учун СТЭЛ-МТ-1 аппаратидан фойдаланилган.

Натрий гипохлоритнинг 0.06% ли эритмаси билан ўт йўлларининг эндобилиар санациясида 1 чи суткадан 3 чи суткагача ўт ажралиши бир хил кўрсаткичларга эга бўлди, яъни 200+-4,7 мл/суткада (таққослаш гуруҳида 121±3,4 мл/сутка), 6 чи суткада эса 420±7.1мл/сутка (таққослаш гуруҳида 280 ± 6,5 мл/сутка).


Ўт суюқлигининг ёпишқоқлигини текшириш натижалари шуни кўрсатадики, асосий гуруҳда натрий гипохлорит эритмаси юборила бошланганидан сўнг 2±0,3 суткада ўт суюқлигининг ёпишқоқлик кўрсаткичлари меъёрлашган ва ўртача 0,5-0,6 ш.б. ташкил этган, назорат гуруҳида эса ўт суюқлигининг ёпишқоқлик кўрсаткичлари 5±0,4 суткада меъёрига келган.

Натрий гипохлоритнинг анолит эритмаси жигар ичи ўт йўлларига юборилганда ўт суюқлигини суюлтиради ва микробларнинг юқори титрини пасайтириб, ўт йўлларининг тозалик даражасига етишини тезлаштирди. Бизнинг тадқиқотлар шуни кўрсатдики, натрий гипохлоритнинг “нордон” эритмаси (анолитлари) яққол дезинфекцияловчи хусусиятга ва юқори микробга қарши фаолликга эга. Шу билан бирга, 400,0 мл натрий гипохлоритнинг 0,06% анолит эритмасини юбориш, ўт суюқлиги экмаларида микроблар титрини пасайтирди ва кейинги кунларда ҳам бир маромда стабил камайиб борган.

Ўт суюқлигининг микробиологик текшируви 1-3-5 кунларда ва дренаж олинишидан олдин ўтказилди. Бунда, асосан *Escherichia coli*-75,2%, *Klebsiella*-12,3%, *Enterobacter*-8,1% ва уларнинг турли хил ассоциациялари аниқланди. Интрабилиар санациядан сўнг 5-суткада 72% беморларда сафро экмаларининг манфий натижаси олинди, 12 кунга келиб эса микроблар манзарасининг тўлиқ эрадикацияси аниқланган (7–расм).

Сафро бактериал экмасининг стерил натижаси олинганидан сўнг ёки сезиларли даражада пасайганидан сўнг ўт йўлларини ювиш, фаол кислороднинг донори бўлган ва шунингдек регенерация жараёнини тезлаштирувчи натрий гипохлоритнинг католитли эритмаси (рН=8 бўлган) билан амалга оширилган. Ўткир йирингли холангитни комплекс даволашнинг самарадорлиги қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини пасайишига қараб баҳоланган.

Олинган натижалар таҳлил этилганида, таққослаш гуруҳидаги беморлардан фарқли ўлароқ, асосий гуруҳидаги беморларда умумий билирубин микдорининг динамикада пасайишганлиги билан фарқ қилди. Шунингдек, олинган натижалар таҳлили, АсАТ микдорининг ва ишқорий фозфатаза активлигининг анча олдин меъёрлашганлигини кўрсатган.



7-расм. Гипохлорит натрий ёрдамида интрабилиар санациядан кейин ўт суюқлигида микроблар пейзажи эрадикациясининг динамикаси

Диссертациянинг тўртинчи бобида “**Таққослаш гуруҳларида даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили**” иккала тадқиқот гуруҳларидаги беморларда ўтказилган даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили баён этилган бўлиб, унда асосий текшириладиган гуруҳ беморларнинг ўлим даражасини кескин камайганлигини кўрсатган.

Таққослаш гуруҳидаги энг оғир асоратлардан жигар холангиоген абсцесси ва биллиар сепсис 4 нафар беморларда кузатилиб, уларнинг барчасида ўлим ҳолати билан якунланган.

Давом этувчи перитонит кузатувимиздаги 1 беморда нохуш оқибатга олиб келган. Операция қилинган 61 нафар барча таққослаш гуруҳидаги беморларда 5 та ўлим ҳолати кузатилиб, ўлим кўрсаткичи 8,2% ни ташкил этган.


Шунга эътибор қаратиш жоизки, асосий гуруҳда жарроҳлик амалиётидан кейинги 83 беморлардан 2 нафариди (2,4%) (1-операциядан кейинги панкреатит, 1-давомли перитонит) ўлим ҳолати содир бўлган. Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда жигарнинг холангиоген абсцесслари ва биллиар сепсис кузатилмаган.

Таққослаш гуруҳидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда йирингли- септик асоратлар 15 нафар (24,5%) беморларда қайд этилган.

Шу билан бирга, 2 (3,2%) беморда жигар ости соҳасида билома ривожланди ва улар контрапертурани реканализация қилиш орқали

дренажланган. 5 (11,4%) нафар беморда жигар ости бўшликка ўрнатилган дренаж найчаларидан сафро оқиши кузатилган, 5 (8,2%) беморларда жигар ости ёки диафрагма ости абсцессларни очиш ва дренажлаш учун такрорий жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Шунингдек, 2 (3,2%) беморларда холемик қорин ичи қон кетиши учун қайта амалиёт бажарилган. Жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатнинг йиринглаши 12 (19,6%) беморда кузатилган.

Асосий тадқиқот гуруҳида 10 беморда амалиётдан кейинги асоратлар ривожланган, бу 12,1% ни ташкил этган. Шу билан бирга, 3 (3,6%) беморда жигар ости соҳасида билома ривожланган ва у УТТ назорати остида пункция ёрдамида тозаланган. 2 (2,4%) беморда ўт пуфагини жигар орқали пункция натижасида жигардан холемик қон кетиши кузатилди. 2 беморда ташқи сафроли оқма кузатилган, 1 ҳолатда релапароскопия вақтида ўт пуфаги чўлтоғига етишмовчилиги аниқланди ва унга қайтадан клипс қўйилди ҳамда яна 1 кузатувимизда ўт пуфагини ётоғидан қорин бўшлиғига сафро оқиши сабали ўт пуфаги ётоғи коагуляция қилиниб муаммо бартараф этилди. ЭПСТ кейин 1 нафар беморда дуоденал қон кетиши қайд этилди, қон кетиши тўхтатилди. 1 беморда диафрагма ости абсцесси ҳосил бўлган ва УТТ назорати остида такрорий пункция ёрдамида санация қилинган. Операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши 12 (19,6%) беморларда кузатилган (8– расм).



8-расм. Ўтқир йирингли холангит билан иккала гуруҳлардаги беморларни комплекс жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари

Шундай қилиб, ўт-тош касаллиги асорати сифатида ривожланган ўтқир йирингли холангитни жарроҳлик усулида комплекс даволашнинг тактик-техник жихатларини кам инвазив декомпрессив муолажаларни қўллаш ва ўт йўллари санациясини жорий қилиш билан мақбуллаштириш холангитни эрта бартараф этиш, жигар абсцесси пайдо бўлишини ва билиар сепсис ривожланишининг олдини олиш имконини берди. Йирингли – септик асоратларнинг 24,5% дан 12,1% гача, ўлим кўрсаткичининг 8,2% дан 2,4% гача камайишига эришилган.

ХУЛОСА

1. Ўткир йирингли холангитнинг омилли таҳлили шуни кўрсатдики, ўлим ҳолатларининг асосий сабаби бу жигар холангиоген абсцесси ва билиар сепсис ҳисобланади. Ўлим ҳолатлари (14,8%) ва йирингли-септик асоратлар (44,4%) асосан ўткир йирингли холангитни ўткир деструктив холецистит ва перитонит билан биргаликда кечиши натижасида амалга оширилган шошилиш жарроҳлик амалиётидан кейин кузатилган.

2. Ўткир йирингли холангитни оғирлик даражаларини инобатга олган ҳолда дастлаб ўт йўлларида декомпрессив аралашувларни қўллаш холестаза ва йирингли захарланиш ҳолатларини тўхтатиш ҳамда радикал операцияларнинг натижаларини яхшилаш имконини беради. Бунда ўткир йирингли холангит билан касалланган 81,8% оғир ахволдаги, 61,6% ўрта оғирликдаги ва 24,1% енгил даражадаги беморларга диапевтик ва эндоскопик трансдуоденал аралашувларни бажаришга эҳтиёж бўлди.

3. Натрий гипохлоритнинг 0,06% анолитли ва католитли эритмалари билан дренаж орқали ўт йўлларида санация қилиш натижасида ўт суюқлигининг экмаларида микроблар билан ифлосланиши эрта эрадикацияга учрайди, билирубин, АсАТ ва ишқорий фосфатаза кўрсаткичлари меъёрлашади, сафро секрециясини икки баробардан ҳам кўпга оширади.

4. Ўт-тош касаллигининг асорати сифатида ривожланган ўткир йирингли холангитни жарроҳлик усулида комплекс даволашнинг тактик-техник жихатларини мақбуллаштириш билан холангитни эрта бартараф этиш, жигар абсцесси пайдо бўлишини ва билиар сепсис ривожланишининг олдини олиш орқали даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради. Бунда йирингли – септик асоратларнинг 24,5% дан 12,1% гача, ўлим кўрсаткичининг 8,2% дан 2,4% гача камайишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

САИДМУРОДОВ КАМОЛ БОТИРОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ТАКТИКО-ТЕХНИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ
КОМПЛЕКСНОГО ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ОСТРОГО
ГНОЙНОГО ХОЛАНГИТА ДОБРОКАЧЕСТВЕННОГО ГЕНЕЗА**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.4.PhD/Tib1106.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (smi.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель	Курбаниязов Зафаржон доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Хамдамов Бахтиёр Зарифович доктор медицинских наук (DSc) Махмадов Фарух Исроилович доктор медицинских наук (Республика Таджикистан)
Ведущая организация	Республиканский специализированный научно-практический центр хирургии им. академика В.Вахидова

Защита состоится 24 сентября 2022 г. в 14:00 часов на заседании Научного Совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, пр-т.Навои,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 074 Адрес: 200118, г. Бухара, пр-т. Навои,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан « 5 » сентября 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 3 от 5 сентября 2022 года).



А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н. Ачилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

Н.А. Нуралиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «...частота гнойных осложнений воспалительных заболеваний желчных путей встречается в 46% случаях и несмотря на пристальное внимание исследователей к этой проблеме, остается в высшей степени актуальной...»¹ Воспалительный процесс в данной локализации характеризуется не только местным гнойно-деструктивным процессом, но и системными расстройствами, способствующим к быстрому развитию тяжелой эндогенной интоксикации и выраженной дисфункции органа. Данное состояние чаще всего трактуется как холангит, тяжесть морфофункциональных и клинических проявлений которого очень разнообразна. В развитии гнойного холангита определяющее значение имеет нарушение проходимости желчных протоков, особенно обусловленное желчнокаменной болезнью, инфицированием желчи и развитием воспаления и гипертензии. У 87% пациентов сразу появляются признаки механической желтухи, а в последующем присоединяются явления эндотоксикоза с развитием билиарного сепсиса и полиорганной недостаточности в динамике².

Основной тенденцией лечения пациентов с гнойным холангитом во всем мире является ранняя декомпрессия желчных протоков, с назначением антибиотиков, учитывая чувствительность микрофлоры желчи, а также проведение дезинтоксикационной терапии. В соответствии с правилами лечение хирургическим путём пациентов с гнойным холангитом осуществляют в следующей последовательности. На первом этапе проводится декомпрессия желчных протоков малотравматичными методами: эндоскопической папиллосфинктеротомией с установкой назобилиарного дренажа или чрескожным чреспеченочным дренированием. На втором этапе пациентам выполняют удаление желчного пузыря лапароскопическим или минилапоратомным доступом с наружным дренированием гепатикохоледоха. В 36,0-55,5% случаях больные нуждаются в выполнении одномоментных операций лапаротомным доступом обусловленное наличием флегмонозной и гангренозной форм воспаления желчного пузыря с перивезикальным инфильтратом или местного перитонита или билиодуоденального свища. Однако в многочисленных исследованиях результаты хирургического лечения не всегда удовлетворяют специалистов, в 20 % случаев у больных возникает септические состояние, в результате которого от 6,25% до 30,0% наблюдениях заканчиваются летальным исходом.

В Узбекистане проводится широкомасштабная работа по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В этом направлении, в частности, в улучшении хирургического лечения больных с заболеваниями желчевыводящих путей, достигнуты позитивные изменения.

¹ Younossi ZM, Stepanova M, Golabi P, Epstein RS, Strauss ME, Nader F, Racila A. Factors Associated With Potential Progressive Course of Primary Biliary Cholangitis: Data From Real-world US Database. // J Clin Gastroenterol. – 2019 – N 53 (9). – P. 693-698.

² Назиров Ф.Г., Акилов Х.А., Акбаров М.М. Тактика лечения больных с механической желтухой, осложненной холангитом и печеночной недостаточностью// Анналы хирургической гепатологии. – 2019 – №2 – С. 117-118.

Вместе с этим, для улучшения оказываемой помощи пациентам требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности хирургического вмешательства с учетом предотвращения интраоперационных и послеоперационных осложнений. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи самым уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности³.

